



“Hamkorbank” АТБнинг Каттақўрғон филиалида кадрлар танлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чакана бизнес бўлими бошлиғи Озодбек Холмуродов тажрибали банк ходими. У айти пайтда касб сирларини ёшларга ўргатяпти.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ олган сурат.

Бу сонга:



**5 АҚШ ДОЛЛАРИ
ЭВАЗИГА
АВТОМОБИЛЬ**

2



**ФРОНТ ДАН
КЕЛГАН
МАКТУБЛАР**

3



**5 “ИБН СИНО”
МАРҲАМАТДА ИШ
БОШЛАДИ**



**АСРЛАРНИ
БЎЙЛАГАН
МАҚБАРА**

7



» ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

» Президент топшириғига кўра ободонлаштириш ишлари учун Тошкент шаҳридаги 524 та маҳалланинг ҳар бирига ўртача 2 миллиард сўмдан маблағ ажратилляпти.

» Ўзбекистондаги биринчи хусусий авиакомпания - Qanot Sharq Airlinesнинг илк самолёти олиб келинди.

БҲГҲНННННННННННН НАФАСИ

» Фарғона вилоятида “Ёшлар дафтари” даги ишсиз ёшларга 18 минг гектар ер майдони ажратиб берилди.

» 55-Халқаро Менделеев кимё олимпиадасида қатнашган ўзбекистонлик 7 нафар ўқувчининг барчаси ғолибликни қўлга киритди.

» «Вақф» фонди чинакам ҳақдорларга закот бермоқчи бўлганлар учун қўмақ таклиф этди.

» Австрия компанияси Наманганда кардиология бўйича йирик лойиҳани амалга оширади.

» Хоразмда ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

КУН
ҲИҚМАТИ:

Энг муҳими – муваффақиятга эришиш учун нимадир қилиш ва бунга ҳозироқ киришиш. Жуда оддий бўлишига қарамай, муваффақиятнинг энг асосий сир-синоати шу. Ажойиб-ғаройиб ғоялар ҳар кимда бор, бироқ уни ҳаётда татбиқ этаётганлар, айтиқса, айти дамда шу иш билан шуғулланаётганлар жуда кам. Эртага ёки кейинги ҳафта эмас, ҳозироқ ишга киришиш керак.

Нолян БУШНЕЛЛ

**Кундалик ҳаётимизни автомобилларсиз тасав-
вур қилиш қийин. Улар нафақат узоғимизни яқин,
оғиримизни енгил қилади, балки, фаровонликнинг
белгиси сифатида турмуш тарзимизнинг ажралмас
қисмига айланмоқда. Кўчани тўлдириб ўтаётган авто-
мобиллар, айниқса, жажжи болажонларда чексиз
ҳавас уйғотади. Ҳар бир кичкинтой Миллий армиямиз
сафида хизмат қилишни орзу қилгани каби ўз автомо-
били бўлишни жуда хоҳлайди.**

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида истиқомат қилувчи Саидолимхўжа Солибоевни ҳам автомобилларга ҳаваси эрта уйғонган. Ҳозирда талаба бўлган йигит ўқишни тамомлагач, ўз меҳнат фаолиятини бошлаб шахсий автомобили учун пул жамғаришни мақсад қилаётган эди. Унинг орзуси узоқ йилларга қолиб кетмади. Атиги 5 АҚШ доллари эвазига "Nexia - 3" автомобилнинг соҳибига айланди. Қандай қилиб дейсизми? "Hamkorbank" хизматидан фойдаланган Саидолимхўжа ана шундай бахтга мушарраф бўлди.

Ўтган йилнинг октябрь ойидан ўтказиб келинаётган "Hamkorbank" ва Visa биргаликда совғалар улашади" акцияси шартларини бажарган иштирокчи замонавий смартфон ёки супер ютуқ — "Nexia - 3" автомобилни ютиб олиши мумкин. Айтиш жоизки, ютуқли ўйинга старт берилганидан бошлаб, унинг шартлари соддалаштириб борилди. Дастлаб "Hamkorbank"нинг Visa картаси расмийлашти-

иштирокчилар сони 3 баробарга ортганини кўрсатади. Саидолимхўжа Солибоев ўзининг муваффақиятини шундай таърифлайди:

— Ҳозирги вақтда жуда кўп пул ўтказмалари мавжуд. Лекин уларнинг орасида Visa замонавий, ишончли, қулай ва, энг муҳими, хавфсиз эканлиги билан ажралиб туради. Акам Россия Федерациясида меҳнат қилади. Талаба бўлганли-



5 АҚШ ДОЛЛАРИ ЭВАЗИГА АВТОМОБИЛЬ

рилиши, 20 АҚШ доллари миқдоридаги харид амалга оширилиши белгиланган бўлса, кейинчалик ушбу маблағ атиги 5 долларга туширилди. Эътиборли жиҳати, банкнинг 30 йиллиги муносабати билан Visa карта бепул тақдим этилиши йўлга қўйилди. Бу иштирокчилар сонининг ортишига сабаб бўлди.

Акциянинг 6-босқич ўйинлари 10 минг 318 нафар миждонинг карталари ўртасида ўтказилди. Бу аввалги босқичларга қараганда

гим боис менинг ва оиламизнинг эҳтиёжи учун ҳар ойда айнан Visa картасига пул ўтказилади. Саноқли лаҳзаларда пул келиб тушади. Уни ишлатиш учун банкка боришга ҳожат йўқ. Аввалгидай пластик картадаги пулни нақдлаштириш учун ортиқча вақт сарфламаймиз. "Hamkorbank"нинг Visa картасини расмийлаштиришим мени ажойиб акция иштирокчиси-

тасидан фойдаланишни тавсия қиламан. Бу жуда қулай, осон ва хавфсиз.

Қаҳрамонимизнинг отаси Хусанхўжа Қамбаров ўз таассуротларини қуйидагича изоҳлади:

— Рости, бошида ишонмадим. Банк ходимларига қайта-қайта қўнғироқ қилдим. Улар машинанинг расмини жўнатдилар. Мана, энди чиройли автомобилнинг эгаси бўлдик. Албат-

та, хурсандмиз. Автомобиль яхши кунларимизга хизмат қилишини истаймиз. Ўз навбатида бу йил 30 йиллик тўйини нишонлайдиган "Hamkorbank"ка ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Банк ҳамиша ҳозиргидай юксала-

версин!

Акциянинг биринчи супер ютуғи фарғоналик талаба Абдулазиз Муҳаммаджоновга насиб этган эди. Эътироф этиш жоизки, шу кунгача, мазкур акция сабаб 50 нафарга яқин ҳамюртимиз замонавий смартфон соҳибларига айланди.

**Наргиза ЭШОНОВА,
"Hamkorbank" АТБ
PR-менежери.**

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ СОНИ 15 ФОИЗГАЧА ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Президент қарорига биноан:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг сони 15 фоизгача мақбуллаштирилади ҳамда уларнинг янгиланган чекланган сони белгиланади;
- вазирлик ва идораларнинг раҳбар ўринбосарлари лавозимлари тегишли иловага мувофиқ қисқартирилади.

ЯНА БИР АГЕНТЛИК ТУГАТИЛАДИ

Президент қарорига асосан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тугатилади ҳамда Агентлигининг жами 110 нафар штат бирлиги ҳисобидан Молия вазирлиги таркибида бошқарув ходимлари чекланган сони 54 нафардан иборат Капитал бозорини ривожлантириш департаменти ташкил этилади.

Шунингдек, қуйидаги маблағлар Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади:

- фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;
- эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;
- қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ва (ёки) аввал рўйхатдан ўтган қимматли қоғозларнинг чиқарилишига ўзгартиришлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган йиғим;



- лотереяларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ йиғимлар;
- қимматли қоғозлар бозорида операцияларни ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака аттестатини олишга талабгорларни (жисмоний шахсларни) аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш учун ундириладиган йиғим;
- қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ва қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш учун ундириладиган йиғим;
- белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан ундириладиган бошқа йиғимлар.

Билиб қўйган яхши

ВЕБ-ПОРТАЛ ТЕСТ РЕЖИМИДА ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Ҳукумат қарорида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

- 2020 йил 1 декабрга қадар фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини олиб борувчи автоматлаштирилган веб-порталнинг (кейинги ўринларда веб-портал) техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;
- веб-портални тест режимида ишга тушириш вазифаси юкланган.



БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИБ БОРИЛАДИ

2021 йил учун қабул қилинган давлат дастурида Молия вазирлиги томонидан:

- давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;
- устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;
- давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчиларига оид молиявий маълумотларни ОАВ ва Интернетда эълон қилиш амалиётини жорий этиш белгиланди.

Бугунги кунда банклар иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ҳам ипотека кредити ажратмоқда. Айтиш керакки, кўпчилик учун бу икки-уч йил олдин орзу эди. Шу билан бирга, эндиликда муаммо — аксар ҳолларда ипотека кредитини олишда эмас, балки, ўз квартираси ёки уйни ипотека ҳисобига сотмоқчи бўлганларни топишда пайдо бўлмоқда. Боиси аксарият фуқаролар уйни кредит орқали сотиш хавфи ва ишончсиз деб ҳисоблайди. Хўш, аслида ҳам шундайми? Одамлар нимадан қўрқади?

СОЛИҚ КЎП ТЎЛАНАДИМИ?

— Юртбошимизнинг ташаббуслари билан аҳоли учун янада қулайлик яратиш мақсадида бугунги кунда иккиламчи бозорлардан уй олиш истагини билдирган фуқароларга ҳам алоҳида ипотека кредит олиш тартиби белгиланган, — дейди Марказий банк бошқарма бошлиғи ўринбосари Нодир Комилов. — Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси

ҳисоблашади. Йўқ, уй сотувчиси ҳеч қандай харажат қилмайди. Барча харажатлар (нотариал тўловлар, суғурта харажатлари, банк тўловлари ва бошқалар) уй сотиб олувчи томонидан тўланади.

— Уйни сотишга розилик бердим, аммо пулни ўз вақтида олармиканман деб ўйланиб қолдим, — дейди Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро Санжар Рустамов. — Бундай муаммолар бўлмади. Сотувчи ушбу маблағларни

ИККИЛАМЧИ БОЗОРДА УЙ САВДОСИ

Ипотека кредити орқали иккиламчи бозордан уй сотиб олиш бўйича хавотирлар ўринлими?



ташкил этилгач, мазкур компания томонидан тижорат банкларига ресурс маблағлари ажратилди. Бу кредитлар бирламчи бозордан ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш ҳамда қайта реконструкция қилиш учун берилади. Кредит миқдори уй-жой сотиб олиш учун 320 млн. сўмгача ҳамда уй-жойни таъмирлаш учун 80 млн. сўмгача. Иккиламчи бозордан олиш тартиблари ва белгиланган фоиз кўрсаткичлари мавжуд ва бу айти пайтда амалда қўлланилмоқда.

Аммо кўпчилик уй эгалари бундай олди-сотдига рози бўлишмайди. Нега? Сабаби солиқ тўлашдан қўрқади. Кредитдан фойдаланганда, сотувчи томонидан уйни сотишдан олинган сумма солиққа тортилиши керак, деган фикр мавжуд. Маълум даражада бу тўғри. Аммо жисмоний шахс бир йил давомида сотган биринчи уй-жой учун солиққа тортилмайди. Фақатгина бир йил давомида бир мартадан ортиқ уй-жойни сотсагина уй-жойни сотиб олиш ва сотиш нархидаги фарқ учун 12 фоиз миқдорида солиқ тўланади.

ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАР БОРМИ?

Сотувчилар уйни кредит эвазига сотишда қўшимча харажатлар келиб чиқади, деб

исталган кўринишда — нақд пул ёки пластик картага ўтказиш йўли билан олиши мумкин экан. Харидор билан келишиб олганимиздан кейин депозит ҳисобварағини очиш учун банкка бордик. Кредит ажратилиши маъқулланганидан сўнг, кредит шартномасини имзоладик. Сўнг уйни олувчи харидор бошланғич бадални депозит ҳисобварағига киритди. Пулни пластик картага ўтказиб берди.

Дарҳақиқат, кредит шартномасига биноан, банк нотариусга уй учун тўлов бошланғич бадал ва кредит ҳисобидан тўлаб берилиши тўғрисида кафолат хати тақдим этади. Ушбу хат асосида нотариус олди-сотди шартномасини тузади, шундан сўнг кадастр ҳужжатлари тайёрланади. Бундан кейин гаров расмийлаштирилади ва қарз олувчининг аризаси асосида кредит ва депозит ҳисобварағидаги маблағлар сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Одатда тўлов гаров рўйхатдан ўтказилгандан кейин уч кун ичида амалга оширилади.

Демак, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Ҳар қандай киши уйини ипотека кредити олган фуқарога қўрқмасдан сотса бўлади. Ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилган.

**Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.**



ФРОНТ ДАН КЕЛГАН МАКТУБЛАР

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбекистонликлар томонидан фронтдан юборилган хатлар қарийб саксон йилдан бери архивларда авайлаб сақлаб келинмоқда.

Улар билан танишар экансиз, беомон уруш нафасини сезгандай бўласиз. Юртидан йироқда босқинчи фашистларга қарши курашаётган мард ўғлонларнинг ватанпарварлиги, ўзларини орзиқиб кутаётган яқинларига бўлган меҳру муҳаббатлари, оқибат ришталари нақадар кучли, мустаҳкам эканлигини ҳис этасиз.

Андижон вилояти Избоскан туманлараро давлат архивидаги минглаб ҳужжатлар орасида ана шундай мактублардан уч юзга яқинини кўриш мумкин. Бу ердаги миллий архив фонди ҳужжатлари (фонд № 48, китоб № 33)даги хатларнинг ҳар бири ўзига хос тарих, умр битиги. Архив директори Ойбек ҒОФУРОВ суҳбатимиз аввалида бу хусусда шундай деди:

— Ўзлари қийин шароитда, ҳар қадамда хавф-хатарда юрган, кеча-кундуз қон кечиб, жон беришаётган бўлишларига қарамай, ўзбек ўғлонларининг инсонийлик хислатлари, оилапарварлиги, яқинларига ғамхўрлиги нақадар юксаклиги эътиборни тортади. Ўша даврда ҳукумат раҳбари номига пахтаободлик катта сержант Ҳайдарали Эргашевдан 1943 йилнинг 18 январидан юборилган манабу хат ҳам бундан мустасно эмас. У қаҳрамонлик саломини йўллаш баробарида, госпиталда даволаниб чиққач, то охиригача қони қолгунча немис фашистларига қарши курашаётганини билдиради. Шу билан бир қаторда уйдаги кекса онасига, опа-укаларига овқат, кийим-бошдан ёрдам қилишларини сўрайди.

Оддий аскар Оташбой Султонов ўзи туғилиб ўсган туман ҳокимият вакилларига ёзган хатида 1942 йилдан бери урушда қатнашаётганлигини билдирган. “Уйимизда 65 яшар онам, бева синглим қолган, — деб ёзади у. — Мен бир йил ичида уларга ҳисобсиз хат ёздим. 1 май кунигача (1943 йил тахр.) уч дона хат олдим, бошқа келмади. Беш ойдан бери улардан дарак йўқ. Ҳозирда ёлғиз онамни қай аҳволда эканлигини билмайман. Онам Султонова Кумушбунинг ҳолати ҳақида билдиришинларни сўрайман. Уйимиз манзили...”

Жасорати учун 1943 йилнинг 12 августидан “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланган лей-

тенант Эргашбой Қодиров орадан ўн кун ўтиб, юртига хат йўллайди. “Ўз Ватанимга, район ижроия комитетига ва райондаги бошқа активларга соғинчли салом”, дея бошланган мактубда у душманга барҳам бериб қайтишини, уйда қолган кекса ота-онаси ва болаларига ғамхўрлик қилиб туришларини изҳор қилган. Бундай мазмундаги мактубларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Яқинлари ҳақида қайғурган аскарларнинг сўровлари ижроси таъминланганми? Бу хусусда ҳужжатларда нималар дейилган?

— Ўзингизга маълум, ўша даврда нафақат фронтда, балки фронт ортида ҳам осон бўлмаган. Шундай бўлса, жангоҳлардан юборилган хатларга алоҳида эътибор қаратилганлигини, тегишли чоралар белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Архивимиздаги ҳужжатлар бундан далолат бериб турибди. Уч йилдан бери армияда хизмат қилаётган оддий аскар Омонбой Юсупов 1943 йилнинг январидан республика раҳбариятига хат йўллаб, бир йилдан бери уйига ёзган хатларига жавоб олмаётганлигини, 74 ёшли онасидан ва акасидан хавотирда эканлигини маълум қилганди. Хат олинган заҳоти масъуллар бу хусусда суриштирув олиб боришади. Пировардида аскарнинг онаси Баҳри Йўлдошевага давлат

таъминоти томонидан доимий ёрдам жорий этилади. Урушдан ярадор қайтган унинг яна бир ўғли Болтабой Юсупов ҳам шундай имтиёзга эга бўлади. Бу ҳақда фронтга — Омонбой Юсуповга билдирув хати юборилади.

Ўша кездеги Республика Олий Советига 1943 йил 19 февралдаги № 3-03 алоқа хатида асосан юборилган жавобда катта сержант Эргаш Ҳайдаровнинг оиласига тегишли ёрдам кўрсатилгани баён этилган. Унда онаси аскар оиласи сифатида давлатдан нафақа пули олаётгани, уй

ва томорқа билан таъминланганлиги, озиқ-овқатдан доимий кўмак берилаётганлиги таъкидланади.

Пахтаобод район советининг 1942 йилнинг 22 августидан мажлисида урушда қатнашаётган командирлар ва аскарларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида комиссия тузиш, банкда ҳисоб рақами очиш масаласи муҳокама қилинганлиги тарихий ҳужжатларда ифодасини топган. Бундай комиссиялар ўша даврда ҳар бир туманда иш юритганлиги боис аскар сўровлари эътиборсиз қолмаганлигига шубҳаланмас бўлади.

Шунингдек, архивимизда уруш даврида Россия, Украина, Белоруссиядан юртимизга эвакуация қилинганларнинг тақдирлари ҳақида билиш истагида бўлган яқинларининг хатлари ҳам мавжуд. Эътиборли жиҳати бундай хатлар ҳам назоратсиз қолмаган, тегишли чоралар қўрилган.

Фронтдан юборилган хатлар тарихимизнинг бир бўлаги, узвий қисми. Унинг ортида минглаб ҳамюртларимизнинг тақдири, қисмати ётибди. Мактублардаги ҳар бир сатр биз — авлодлар учун азиз, қадрли ва ибратли. Хотира ва Қадрлаш айёмида доимо таъкидланганидек “Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди”.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Фарғона водийси вилоятларининг ҳар бири ўзига хосликлари билан бир-биридан фарқ қилиб, алоҳида тавсифу таърифга эга бўлсада, улуғларимиз қисмати вилоятларни узилмас риштадек боғлаб туради.

Ўзбекистон Халқ шоири, Андижоннинг ўктам фарзанди Муҳаммад Юсуфнинг Наманганда бир муддат олий таълим таҳсилини олганлиги тасодифий ҳол эмасди. Шоир ўқувчилик йиллариданоқ, балки, ҳали Тошкент ёхуд Фарғонани кўрмасидан аввал Наманганга йўл солган, Чортоқ туманига келин бўлиб тушган опаси Гулчеҳра Турдиқулованинг меҳр оҳанрабои билан Чортоқ Боғистонида истиқомат қилувчи поччаси Қаноат Меҳмоноунинг суҳбатларига жонидили билан ошиқарди. Бирров хабар олишга келиб, уч-тўрт кунлаб қолиб кетарди. Ҳали сиёҳи қуримаган шеърларини опаси ва поччасининг назаридан ўтказарди.

Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари бўлган бу ёш оиланинг асос устуни адабиётга муҳаббат эди. Қаноат билан Гулчеҳра Намангандаги олийгоҳда адабий баҳслар жараёнида танишган. Айниқса, Қаноат Меҳмонов ўзбек тили грамматикаси бўйича алоҳида иқтидор ва билим соҳиби эдики, бу тилшунос олимлар томонидан ҳамон эътироф этилади.

Бобурмирзонинг машҳур “Вақоеъ”сида “Пешхаран”, дея тилга олинган Пешкўрғон қишлоғидаги 25-умумтаълим мактаби улар ишлаган йилларда тумандаги таянч илм маскани сифатида танилган. Олий ўқув юрти ва техникумларга қабул имтиҳонларига Қ. Меҳмонов имтиҳон олувчи муаллим сифатида жалб этилардики, бу ҳам устознинг нақадар кучли салоҳият ва ҳалол киши бўлганидан далолатдир. Гулчеҳра опанинг укаси, шоир Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотиралари оламча ва жуда таъсирли:

— Муҳаммаджон поччаси билан суҳбатлашганида ўзининг нафақат шоирлик истеъдодини, айнаи вақтда билимдонлигини ҳам намоён эта

“МУҲАММАД ЮСУФНИНГ ОПАСИ”

бу сўзлар менинг
унвонимга айланиб
кетган, — дейди
Гулчеҳра ая.

оларди. Миллат келажаги, миллий мустақиллик, қадриятларимиздаги ҳикматлар, аجدодларимиз, улардан қолган мерос, ҳали кўпчиликка номаълум бўлган донишманд боболаримизнинг қаҳрамонлик жасоратлари ҳақидаги суҳбатлари баъзан янги ёзган шеърининг биттагина сатрига изоҳ бўларди.

Оилада бир қадар эрка ва ҳар қанча қайсарликлари ҳам қадрланадиган йигит бўлишига қарамай, унинг нигоҳларига ғалати бир синиқлик-меҳрибонлик, жудаям меҳрибонлик, хокисорлик, софдиллик сингиб кетганди. Тошкентда ўқиди, оилали, фарзандли бўлди. Назирахон билан бахтли ҳаёт кечиришди. Уй-жой шароитлари бизларникидан анчайин яхши бўлгани учун тез-тез Тошкентга чақирар, баъзан ўзи машина ёллаб келиб, олиб кетарди.

Бошқа туғишганларимиз, қариндошларга нисбатан мен билан яқинлигининг биргина сабабчиси Қаноат домла эдилар.

Бир пайт таниқли шоирамиз Турсуной Содиқова Муҳаммаджонга бағишлаб шеър ёздилар ва мен уни опадан эшитибок ёд олдим. Янги муваффақият билан табриклаш учун Тошкентга бордим. Муҳаммаджонга пешвоз бора туриб шеърининг икки қаторини ўқидим:


Андижоннинг қорамайиз боласи,

**Баланд бўйларинга тумор
опангман...**

Муҳаммаджон бирдан ҳаммани тўхтатди ва мендан шу шеърни тўлиқ ўқишимни сўради. Жиянлар,

мустақиллигини тасаввур қила олган, шеърларига хурлик соғинчини сингдирган. Ўзининг қисматидаги қувончни ҳам, дарду ташвишни ҳам олдиндан сезгандек бўларди. Айниқса, ўлимни ҳис этиш, туйқус йўқолиб қолиш, капалаклар ва лолақизғалдоқлар билан сирлашиш ҳолатлари, руҳияти шеърларида шундоқ ростланиб, жаранг беради.

Гулчеҳра опа олий тоифали адабиёт фани ўқитувчиси,



Архив. 1992 йил.

яқин қариндошлардан шоир бўлиш ҳаваси билан даста-даста шеър борса, шунақанги эътибор ва кўнгилпарварлик билан шеър ёзишдан кўра шеър ёдлашни, кўп ёдлашни, уни ифодали ўқиб беришни ўрганишни тайинларди.

Муҳаммаджоннинг бутун бошли китобини ёд олиб олдиға боришса, яна талаб кўярди: “Менда уч-тўрттагина шеър холос, Сен Навоидан, Бобурдан, Абдуллаю Эркин Воҳидлардан ёдлагин”, дерди.

Дабдабани, ҳашамдорликни ёқтирмасди. Турмуш ўртоғим бевақт вафот этганларида мен ва болаларимни юпата оладиган таскинни жигарим-укам бера олди.

Муҳаммаджоннинг ёзганларини ўқиб, шоирлик валийлик эканлигига яна бир бор амин бўлдим. 70-80-йиллардаёқ Ўзбекистон

Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, уч фарзанднинг онаси, “Ораарик” маҳалласининг фаоли. Бироқ уни наманганликлар “Муҳаммад Юсуфнинг опаси” дея танийдилар, қадрлайдилар, ардоқлайдилар, давраларга чорлайдилар. Шоир ҳақидаги хотираларини тинглашга, шеърларини эшитишга ошиқадилар. Шоир фарзандини соғинган халқ — адабиётсевар, шеърят шайдолари шоирнинг опаси билан учрашувни ўзгача иштиёқ билан кутиб олишади, қалбидаги меҳр ила хотираларини тинглашди. Чортоқнинг андижонлик келинини кўрган инсонлар ҳассос ижодкорнинг нафасини, тафтини ҳис қилсалар ажаб эмас.

**Носир АББОС,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.**

НАҚД ПУЛ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Нақд пул билан боғлиқ масалалар ҳар доим барчамизга қизиқ бўлиб келган. Марказий банкнинг Нақд пул муомаласи департаменти фуқароларнинг нақд пул билан боғлиқ саволларига жавоб берди.

ПУЛЛАР ҚАЙСИ ҲОЛАТГАЧА ЯРОҚЛИ ҲИСОБЛАНАДИ?

Қандай ҳолатдаги банкнотлар монеликсиз тўловга қабул қилиниши ва тушум пули сифатида банкларга топширилиши белгилаб қўйилган. Хусусан:

— ҳар қандай қисмида тешик ёки йиртилишлар, сийқаланишлар, (жумладан, ёғимланган) доғлар, қалам, сиёҳ ва фломастер билан ёзилган ёзувлари мавжуд бўлган пуллар;

— йиртилган ва елимланган пуллар, агар пулнинг иккала қисми, шакл-шубҳасиз, битта банкнотга тегишли бўлса;

— бўёқ моддалари ва кислота тўкилган, табиий ранги ўзгарган, куйган, бўялган ёки чизилган пуллар;

— шикастланиш тури ва жойлашишидан қатъи назар, банкнот тўлиқ ҳажмининг 55 фоизидан кам бўлмаган қисми сақланиб қолинган пуллар.

ҚАНДАЙ ПУЛЛАР ТЎЛОВГА ЯРОҚСИЗ ҲИСОБЛАНАДИ?

— банкнот юзасининг 55 фоизидан кам қисми сақланиб қолган пуллар “тўловга яроқсиз” ҳисобланади ва улар савдо шохобчаларида қабул қилинмайди. Номинал қийматини акс эттирувчи ёзув ва рақамларни ўзгартириш орқали ҳосил қилинган “қалбаки”, “сохта” пуллар ҳам яроқсиз дейилади.



ШИКАСТЛАНГАН ПУЛЛАРНИ БАНКЛАРДА АЛМАШТИРИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Агар банкнот тўловга яроқли белгиларига эга бўлса, ҳеч қандай муаммосиз банкларда янгисига алмаштириб берилади. Тўловга яроқсизлари банк томонидан қабул қилинмайди.

“Эскирган” пуллар банклар орқали қабул қилинган, улар қайта муомалага чиқарилмайди.

“МАЙДАЛАБ” ОЛИШ МУМКИНМИ?

2018 йилда янгича кўринишдаги ва олдинги тангаларга нисбатан енгилроқ, ихчамроқ кўринишда 50, 100, 200, 500 сўмлик янги намунадаги тангалар чиқарилди.

Фуқаролар, шу жумладан, савдо шохобчалари ҳам банклардан қоғоз пулларни кичик қийматдаги купюралар ва тангалар кўринишида “майдалаб” олишлари, шунингдек, савдо шохобчалари уларга хизмат кўрсатувчи банкдан ҳисоб

ПУЛНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИНИ БИЛДИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Бир қарашда эътибор қилиниши лозим бўлган ҳимоя элементларини санаб ўтадиган бўлсак, улар дунёдаги деярли барча банкнотларда деярли ўхшаш. Буларга:

— ҳимоя ипи. Мисол учун, 1000 сўмлик банкнотнинг қоғоз қатламида бўлса, 5000 сўмликда қоғоз қатлами сиртига чиқиб, ичкарига ботувчи, 10 000, 50 000, 100 000 сўмликларда ҳам шу шаклдаги “3D” эффектли ҳимоя ипи ўтказилган;

— сув белгиси. Ўзбекистон банкнотларида Герб, банкнот номинали, 100 000 сўмлик банкнотда Мирзо Улуғбек портрети кўринишда тайёрланган;

— бармоқ учлари билан ушлаб (сийпалаб) кўрилганда сезиладиган бўртиб турувчи тасвирлар;

— маълум қиялик бурчаги остида қаралганда, рангини ўзгартирувчи тасвирларни (нақш ёки рақам кўринишида) айтиб ўтиш лозим.

СОХТА КУПЮРА

Қўлимизга шубҳали (жумладан, сохта) бўлган пуллар келиб тушганда, уларни ҳақиқатда қалбаки эканлигини аниқлаш ҳамда келгусида уларга қонуний баҳо бериш мақсадида тижорат банкларига топшириш тавсия этилади. Шунингдек, ушбу банкнот қандай қилиб, қайси ҳолат ёки жараёнда, ким орқали ушбу фуқаронинг қўлига келиб тушганлигини баён этиш мақсадга мувофиқ.

ОСИЁ тайёрлади.



Республикамизда хусусий тиббиёт муассасалари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш талабининг ортиши ҳамда нархларнинг арзонлашишига замин яратади. Шу ўринда тадбиркорларнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларини алоҳида эътироф этиш ўринли.



“ИБН СИНО”

МАРҲАМАТДА ИШ БОШЛАДИ

Марҳамат туманидаги “Мубо-рак савдо барака” хусусий корхона-си раҳбари Музаффар Қодиров айти шу ишга қўл урди. У тадбиркорлик-да катта тажрибага эга. Ёш бўлиши-га қарамай савдо ва маиший хиз-мат кўрсатишда ўз ўрнини топди. Маблағи ҳам ортди. Даромадини туғилиб ўсган жойи — Марҳаматни обод қилиш ва аҳолига сервис хизмат кўрсатишга сарфламоқда. Туман мар-казидаги ошхона ва савдо дўконлари-да 25 нафар йигит-қиз иш билан банд.

— Ҳамқишлоқларимдан кимдир дардга чалинса, вилоят маркази ёки пойтахтга боришга тўғри кела-ди, — дейди тадбиркор. — Бу вақт ва маблағ талаб қилади. Мана шу оғриқ билан олдимга мақсад қўйдим. Айниқса, кейинги вақтда юрак, қон-томир касалликлари билан боғлиқ муаммолар кўпаймоқда. Шу йўна-лишда шифохона очиш ҳақида ўйлаб қолдим. Туман ҳокимлиги Ёрқин ҳаёт МФЙ ҳудудидан жой ажратиб берди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги “Хусусий тиббиёт ташки-лотларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори менга катта куч берди.

Умумий қиймати 9,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида қурилиш ишлари бошланди. Замонавий бино-га мос равишда энг сўнгги русумдаги

тиббий жиҳозларни олиб келиш режа-лаштирилди. Албатта, бунинг учун қўшимча маблағ зарур. “Hamkorbank” АТБ нинг Асака филиали тадбиркор-



нинг молиявий кўмакчиси бўлди — 3,5 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ҳаммаси режа билан амалга оши-рилди. Қурувчилардан замонавийлик талаб этилди. Жуда қисқа вақт ичи-да кўркам бино қад ростлади. Хусу-сий шифохонага “Ибн Сино” номи берилди ва айти вақтда ўз фаолияти-ни бошлади.

150 ўринга мўлжалланган муҳташам шифохона асосан юрак, қон-томир касалликларини даволаш-га ихтисослашган. Терапевт, невропа-толог, гинеколог каби йўналишлар-да ҳам тиббий хизмат йўлга қўйилди,

малакали шифокорлар таклиф этил-ди. Хориждан келтирилган замонавий ультратовуш аппаратлар, фитобар, дорихона, массаж хоналари, бассейн, спорт зали ва ошхона мавжуд. Асо-сийси, нархи бошқа шифохоналарга нисбатан анча арзон.

Даволанувчилар учун зарур бар-ча шароитлар яратилган. Лабора-торияда турли таҳлиллар, айниқса, қон таҳлилини олиш имконияти бор. Қолаверса, ЭКГ, физиотерапия муола-жалари даволанувчиларга қулайлик яратмоқда. Бу даволаш ишларининг самарали бўлишини ҳам таъминлапти. Беморлар Иззатилло Халитов,

Гулбаҳор Ақромов ва Мафтуна Сай-даматова каби ўз касбининг фидойи-ларидан хурсанд. Улар учун хушмуо-малалик, меҳр ва одамлилик — темир қоида.

— “Hamkorbank”ни танлаб адаш-маган эканмиз, — дейди Музаффар Қодиров. — Лойиҳанинг навбатда-ги босқичини амалга оширишда ҳам биргаликда ишлашни режалаштир-япмиз. Молиявий кўмакка яраша ишлаймиз.

**Акбаржон НАЗАРОВ.
Хурсандбек АРАББОЕВ
олган суратлар.**

2020 йилнинг октябрь ойида иш бошлаган Шаҳрисабз филиалининг биринчи мижози “Тад-биркор” хусусий фирмаси бўлди. Мазкур корхона Чоршанба қишлоғида фаолият олиб боради. Тиббий хизматга ихтисослашган бўлиб, 2013 йилда дори-дармонлар савдоси билан иш бошла-ган. Бугунга келиб, унга қарашли 2 та дорихона ва 1 та оилавий клиника мавжуд.

Савол туғилади: “Етти йил-лик тажрибага эга корхона қандай қилиб ташкил топганига энди бир ой бўлган банк муас-сасасига мижоз бўлди?” Бунга фирма бош ҳисобчиси Зилола Ғаффорова шундай жавоб бер-ди:

— Аввал Миллий банкнинг туманимиздаги филиали билан ҳамкорлик қилардик. Бу банкдан кредит ололмадик. Ваҳоланки, унинг энг яхши, тартибли, намунали мижозларидан эдик. Муносабат-ларимизда ҳам, кредит олиш учун топширган ҳужжатларимизда ҳам муаммо бўлмаган. Аммо негадир кредит билан боғлиқ ишимиз бит-мади. Шундан кейин ҳамкорликни “Hamkorbank” билан давом этти-ришга қарор қилдик. Оилавий кли-никамиз фаолиятини йўлга қўйиш учун бизга маблағ жуда зарур эди.

Фирма Шаҳрисабз филиали-га ҳисоб рақамини олиб ўтиши билан 600 миллион сўмлик кре-дит шартномасига имзо чекил-ди. Бу маблағга чет элдан УЗИ,

ЧОРШАНБА ҚИШЛОҒИДАГИ ҲАМКОР



массаж каравоти, гинекологик кушетка, тиб-бий лаборатория жиҳозлари ва бошқа керакли ускуналар сотиб олинди. Шу тариқа жорий йил бошидан аҳолининг сиҳат-саломатлиги билан шуғулланувчи яна бир тиббий муассаса ишга тушди.

“Hamkorbank” нега кредит беришни пай-салга солмади?

— Балки, янги бўлгани сабабли мижоз йиғиш ёки фаолиятимизни ўрганиб чиқиш, кўзи етгани учундир. Нима бўлганда ҳам вақтимизни олмай ишимизни тезда ҳал этди, — деган фикрни билдир-ди ҳисобчи. — Мобиль банкка уланганман. Массо-фадан туриб, амалиётлардан фойдалана-ман. Мурожаат қилсам, дарҳол керакли хизматни кўрсатишади. Бу банк ходимла-рининг одамгарчилигига, мижозга бўлган ҳурмати ва эътиборига қойил қоламан, тўғриси. “Hamkorbank” яхши банк-да. Фақатгина бир илтимосимиз — кредит фоизларини имкон қадар пасайтирилса мижозларга янада қулайлик бўларди.

Ҳа, бундай эътирофларни жуда кўп мижозлардан эшитамиз. Юртдошла-римизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаётган, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашаётган, кор-хона-ташкilotларнинг иқтисодий салоҳиятини ошишига ҳисса қўшаётган молия муассасаларнинг фаолиятига омад ёр бўлсин деймиз.

Нигора МИРОЛИМ қизи.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Баҳорнинг офтобидан қувониб, фариштадай бўлиб ўтирган Қундузхон момо Ҳамдамовани бир қарашда юз ёшдан ошганига ишонгингиз келмайди. Ёнидаги радионинг овози у қадар баланд эмас. Дунё янгиликларини эшитиб, набираю чевараларига айтиб ўтирганига нима дейсиз? Қўлидаги баҳорнинг чечагини кўзларига сурта-сурта шукрона айтишида ҳам бир ҳикмат бор. Бу ҳаётдан розилик, ўз умридан хулосалар ва фарзандлари учун ибрат мактабининг ифодаси.

УМР ЙЎЛИ УЗОҚ, — дейди 102-ёшни қарши олаётган ҚУНДУЗХОН МОМО



Нигоҳлари ҳамон ўткир, қулоғи эшитадиган, юздан кулги аримайдиган момо тозаликни, ободликни, айниқса, қора садарайхонни хуш кўради. Эрта баҳорда ҳовлисига гул экишга одатланган. Бу қалбининг тозаллиги, меҳри тўлиб тошганидан бўлса керак. Йўқлаб кирувчиларга бирдек шундай дейди:

— Ҳеч кимнинг умри қисқа яратилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз. Агар кимки берилган ҳаётдан оқилона фойдаланса, ҳалол яшаса, умр жуда узоқдир...

Жалақудуқ тумани, Туялас маҳалласида яшовчи бу онахонни йўқлаб келувчиларнинг кети узилмайди. Момо билан гаплашсангиз, тилидан бол томади. Кўп китоб ўқигани сўзларидан билиниб туради. Қаерда ишлашингиз, касбингизга қараб суҳбатлаша олади.

Қундузхон момо оддий ҳаёт кечирдим десада, не кунларни бошидан ўтказмади. Асакада туғилиб, деҳқон оиласида улғайди. Ҳамқишлоғи Ҳамиджон ака билан турмуш қурди. Биргаликда далада ҳалол меҳнат қилди. Уруш йиллари машаққатларга бардош беришнинг ўзи бўлмади. Кейинчалик Жалақудуқ туманига кўчиб келиб, адирликларда ишлади. Маҳаллада фаол сифатида ҳурмат топди.

Онахон ҳар тонг дорил-омон кунларга етказгани учун қайта-қайта шукро-

на келтириб, дуо қилар экан, юрт тинчлигини, тўқинликни сўрайди. Ўтган қийинчилик кунларини эслаб кўзларига ёш олади.

Қундузхон момо 9 фарзандни тарбиялаб камолга етказди. Уларнинг ортидан 45 нафар набира, қатор чевара ва эварали бўлди. Ҳозирда уларнинг даврасида кексалик гаштини сурмоқда. Невара-чевараларини ёнига ўтқазиб, ўтган кунларини сабоқ бўлсин, деб ҳикоя қилиб беради. Улар баъзида бундай эртакнамо ҳикояларга ишонса, баъзан ишонмайдилар. Лекин бувижонларининг матонатларига қойил қоладилар.

Ширинсўз, бағрикенг онахон эвараларига алла айтиб, бешик тебратганида кўшни аёллар йиғилиб қулоқ тутадилар. Чунки аллаларида маънавият, тарбия, оналик меҳри мужассам. Нолиш нималигини билмайди.

Маҳалламиз шу онахон туфайли файзли ва баракотли, дейди туяласликлар. Кимки янги бир иш бошласа, Қундузхон онанинг дуосини олади, янги оила қурганлар ҳам унинг олди-га шошади.

Туяласнинг байрам шодиёналари айнан шу хонадондан бошланиши бежиз эмас. "Кексаси бор уйнинг файзи бор", деганлари шу бўлса керак.

Акбаржон НАЗАРОВ.
Азаматжон ТОШМАТОВ
олган сурат.



Эътибор берадиган бўлсак, воҳада қуввати кучли таомларни кўп истеъмол қилишади, жумладан, Навоий вилоятида ҳам. Ҳатто "Hamkorbank" филиалларининг тушлиги учун тузилган таомномада ҳам бунини кузатиш мумкин.

— Ходимларимизга ҳафтада бир марта, албатта, манти, чучвара, сомса каби хамирли овқатларни пишириб бераман. Улар куюқ таомларни кўпроқ хоҳлашади, — дейди Навоий филиали ошпази Марҳабо Каримова. — Бундан ташқари, "Баназа нўхат", "ишўрва патир", "тухумбарак", манти, кабоб, дўлмаларни ҳам тез-тез тайёрлаб тураман.

Ие, ошпаз она айтган бу таомларнинг барчаси сархил ва тансиқ ҳисобланади. Ана, нима учун навоийликлар режа кўрсаткичларини аъло даражада уддалайди десак, гап бу ёқда экан-да. Мана шундай тотли тушликлар ташкил қилиб бериладиган банкда ким ҳам иштиёқ билан ишламайди, дейсиз.

Марҳабо онанинг айтишича, навоийликлар "ғилминди", "тухумбарак", "ҳалиса", "қайиш" каби миллий таомларни кўп тановул қилади. Бундай овқатларнинг савдоси бозорларда ҳам кенг оммалашган.

Келинг, шу таомларнинг орасида "ғилминди"га алоҳида тўхталиб ўтсак. Уни тайёрлаш учун ун, сут, шакар ва ёғ керак бўлади. Қарангки, кам сонли, оддий масаллиқлардан тансиқ ва қувватли таом ҳосил қилса бўларкан.

Хамирни қориб, озроқ тиндириб, юпқа қилиб ёйиб, думалоқ шаклларда кесасиз. Кейин куруқ това ёки қозонда кесилган думалоқлар озроқ қизартириб пиширилади. Унгача сутга ун солиниб, таъбга қараб шакар ёки туз қўшилади. Анча вақт қайнагач, куюқлашиб аталага айланади. Хамирлар ёйилиб, ичига мана шу атала суртилади. Сўнг хамир чебурек шаклида букланиб, совитгичга қўйилади. Бир кун турса, анча тобига келиб, ичидаги аталаси оқиб кетмайдиган бўлади. Товага озроқ ёғ қуйилиб, ўралган хамирлар ёғда қовириб олинади. Шу тариқа мазали "ғилминди" тайёр бўлади. Навоийликлар маросимлару яқинларини йўқлашга мана шу таом билан боришни хуш кўради. Чунки унинг мазасига гап бўлиши мумкинмас.



ҚИШДА ҒЎШТЛИ, ЁЗДА ПОМИДОРЛИ



мазали қилувчи унинг қиймасидир. Навоийликлар совуқ кунларда қиймага ғўшт, картошка ва бошқа масаллиқлар билан бирга ловия ҳам қўшади. Ёзда эса қийма асосан памидор ва пиёзни сариеғга қовуриш йўли билан тайёрланади. Пишган хамир устига қийма солиниб, лаганда дастурхонга тортилади.

Рўза кунларида вужудни тўқ тутувчи ва организмга куч берувчи бу каби егуликлардан фақат роҳатланиш мумкин. Шундай экан, қани, ҳурматли ўқувчи, сиз ҳам уларни тайёрлашга бир уриниб кўринг-чи. Ёқимли иштаҳа!

Н. ТЎХТАМАТОВА

ТАБАССУМ

КАЙФИЯТ

Бир оқсоқол муллани ёнига келиб:

— Қори ака, мен 1945 йили гуноҳ иш қилганман.


Мулла:

— Қани айтинг-чи!

Оқсоқол:

— Уруш пайтида бир яхудийни немислардан яшириб уйимда сақлаганман.

Мулла:



— Биродар, бу гуноҳ эмас, аксинча, яхши-ку, бировни жонини сақлаш.

Оқсоқол:

— Тўғрику-я, лекин ҳар куни 100 \$ олардим-да.

Мулла:

— Ие, шунақа денг. Майли-майли, барибир, бегуноҳни жонини сақлагансиз.

Оқсоқол хурсанд, мулла билан хайрлашаркан, остонада тўхтаб:

— Қори ака, нима деб ўйлайсиз, уруш тугаганини унга айтсаммикан ёки йўқми?

Қадим Хоразм диёридаги кўплаб тарихий обида ва зиёратгоҳлар ўзининг бетакрорлиги ва ажиб ҳайбати билан неча асрлардан бери сайёҳлару зиёратчиларда ҳайрат уйғотиб келмоқда. Ана шулардан бири Хива обидаларининг энг муҳташами саналган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидир. Манбаларга қараганда, мазкур зиёратгоҳ XIV асрда кичик гўрхона шаклида қурилган ва унга ўз даврининг катта “Пири” — Паҳлавон Маҳмуд дафн этилган. Унга Амир Темур томонидан эшик ўрнатилгани хусусида тарихий маълумотлар мавжуд. Мақбара ичига Абулғозихон, Анушахон ва Арангхонларнинг дафн қилинганлиги улар ҳукмдорлик қилган даврларида ҳам паҳлавон шоир мангу бош қўйган манзилнинг ободонлаштириш алоҳида эътиборда бўлганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, буюк бобокалонимиз ҳар қандай эъзозу иззатга мушарраф табаррук зот эди. 1247 йилда Хивада пўстиндўз оиласида таваллуд топиб, 1326 йилда дунёдан кўз юмган улуғ аждодимизни қадим Хоразмда “Пирёрвалий”, “Полвонпир” деб ҳам аташганди. Машхур тазкира “Оташкадаи Озарий”, турк олими Шамсиддин Сомибекнинг “Қомус ул-аълом” китобларида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида мухтасар маълумот берилиб, унинг тасаввуф тариқати намояндаси, футувват, яъни жавонмардликни пеша қилган валий ва буюк шоир, файласуф даражасига эришганлиги зикр қилинади.

Эзгулик ва жасоратга тўла ҳаёти давомида пўстиндўзлик, телпақдўзлик билан шуғулланган. У забардаст паҳлавон бўлиб 79 йиллик ҳаётида бирон марта кураги ерга тегмаганлиги ҳанузгача оғиздан оғизга кўчиб юради.

Фалсафий туйғуларга, мушоҳадаларга йўғрилган рубоийларида шоир дунё ва инсон, ҳаёт ва коинотнинг моҳияти тўғрисида фикр юритади. Эзгулик, ишқ, маърифат ва маънавиятни юксакликка кўтаради. Нодонлик ва жаҳолат, риёкорликни танқид остига олади. Шу боисдан асарлари орқали Шарқ адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган Паҳлавон Маҳмудни шу даврда “Хоразм Хайёми”, “Мозандоран йўлбарси”, деб улуғлашгани бежиз эмас. У “Қитоли” — “жангчи” тахаллуси билан ғазаллар битган, “Канз ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар хазинаси”, 1303-04) номли асар ёзган, лекин у ҳали топилмаган.

Вафотидан бир неча асрлар ўтса-да, Паҳлавон



АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН МАҚБАРА

Маҳмуд сиймосига бўлган эҳтиром кучайиб бораверди. Хайрли саъй-ҳаракатлари натижасида XVIII аср бошида Хива хони Шониёзхон мақбарани янгидан бунёд эттиради. Ўша даврдан сақланиб қолган эшикдаги ёзувлардан мақбара 1702 йилда қурилганлиги аёнлашади. Эшикка Қуръон ояти, ҳадис ва шеърӣ тарихлар битилган бўлиб, исломий нақшлар билан безатилгани эътиборга молик. Ҳозирги мақбара Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825) томонидан 1810 йилда Қўнғирот шаҳрига қилинган муваффақиятли юришдан сўнг қурила бошланади ва ўғли Оллақулихон (1825-1842) даврида ниҳоясига етказилади. У уч қисмдан иборат: хилхона, хонақо ва йўлак. Хонақони шимолий девори ёнида Муҳаммад Раҳимхон I қабри бор. Йўлакда эса Оллақулихон дафн этилган. Мақбара атрофи XIX аср охирига келиб Хива хонлари ва уларнинг яқинлари дафн жойига айлантирилади.

Маҳаллий усталарнинг қурилиш жараёнида нодир санъатларини, маҳоратларини ҳар томонлама намоён қилишгани диққатга сазовор. Сирланган кошинларнинг яхлит меъморчилик иншоотига моҳирлик билан бирлаштирилганлиги, жилвагар безаклар сағанани, ташқи гумбаз ва пештоқ қисмига ўзгача тароват бағишлаши бу ерга қадам ранжида қилганларда катта қизиқиш уйғотади. Қўли гул наққошлар катта хонақони (баландлиги 25 метр) тепасига исломий нақшларга

уйғун безаклар орасидаги китобаларга Паҳлавон Маҳмуднинг 22 та рубоийси ва бошқа битикларни маҳорат билан жойлаштиришган.

1910-1913 йилларда мақбаранинг ғарбий қисмида Хива хони Исфандиёрхон (1910-1918) онаси, ўзи ва ўғли учун қабрхона ва тўртта ҳужрадан иборат икки ошёнли қорихона қурдиради. Унинг қаршисида уста Қурбонниёз бошчилигидаги ҳунармандлар томонидан ўймакор устунли айвон барпо этилади. 1960 йилда уста Рўзмат Машарипов (“Рўзмат арбоб”) иштирокида катта гумбазнинг усти, қорихона ва айвон таъмирланиб, тарихий мажмуага қайта жон бағишланди. Иншоотнинг айрим жойлари таъмирталаб бўлганлиги учун айвон устунлари, йўлаклар, қудуқ атрофи ва унинг тепасидаги кўркам ёғоч гумбаз, пештоқнинг баъзи тушиб кетган сирли кошинлари 2007 йилда қайта таъмирланди.

...Ойлар, йиллар бир-бирин қувалаб ўтаверади. Етти асрдан буён зиёрат аҳли талпиниб келаётган Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қадим диёр узра улуғворлиги ва салобатини яна йиллар оша йўқотмаслиги, шубҳасиз. Абадиёт масканида улуғ зот зиёратига ташриф буюрганларга: “Мен каби бир умр курагинг ерга тегмасин, халқим!” дея ғойибона пешвоз чиқаверади...

Ҳ. ТОҲИРОВ

Давронбек тадбиркорликка қўл урди-ю, бойиб кетди. Ота ҳовлисини бузиб, ўрнида катта кошона қурди. Уйи битиши билан дўсту ёрларини ифторликка чорлади. Таклиф этилган масжид имоми барвақтроқ келди. Ичкарига киришга қанча зўрлашмасин, унамади.

— Маҳалла, қўни-қўшнилари билан киранман, — деди у.

Оғиз очиш пайти яқинлашиб қолди. Айтилганларнинг деярли барчаси келишди. Аммо имом — домла уйга кирай демасди. У кўзларини ерга тикканча ўтирар, ора-сира келган, келаётганларга қараб қўярди. Ахийри, ўридан қўзғалди.

— Давронбек...

— Лаббай, домла! Қани, ичкарига кирайлик, оғиз очиш вақти ҳам бўлиб қолди...

— Давронбек, маҳалладан одам айтудингизми?

— Ҳа, домла, киришди-ку...

— Мен қўшниларингизни назарда тутаяпман, — деди имом унинг кўзларига тик боқиб. — Ана-



ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

ҚЎШНИ СИҒМАГАН УЙ

ви ўқитувчи Иноятулло домла чиқмади. Ён-атрофингиздаги қўшниларингиз ҳам кўринишмади. — Кейин рўпарадаги кўримсиз эски иморатга ишора қиларкан сўради: — Рўзиқулникими? У нега чиқмади?

Давронбек қизаринди. У бирор

арзирли баҳона топишга уринар, аммо, тилига гап келмасди. Ахир, ифторликка казо-казоларни таклиф этгани, қўшниларининг ҳаммаси ҳам бу даврага лойиқ эмаслигини қайдан айтсин.

— Энди, домла...

— Ҳа, тушунарли. Бойларни чақирдим, денг... — Сўнгра барча эшитсин, дегандек, овозини баландлатди. — Қорни тўқларга берилган зиёфат исрофгарчилик белгисидир. Сиз ҳозир ўз дўстларингизни, бой-бадавлат кишиларни анвойи таомлар билан меҳмон қиласиз. Шу вақтда бир неча қўшниларингиз, муҳтожлар қуруқ нон-чоё билан оғиз очадилар. Расулulloҳ (с.а.в) “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши чин мўмин эмасдир,” деганлар. Қолаверса, бой рўзадорнинг дуосидан камбағал рўза тутувчининг дуоси, албатта, тезроқ ижобат бўлади...

— Тушундим, домла, — деди узр сўраркан Давронбек. — Энди ичкарига кирайлик. Одамлар кутиб қолишди...

— Йўқ, Давронбек, қўшни сиғмаган кенг уйга мен қандай сиғаман? Мен, яхшиси, уйда ифтор қила қолай. Узр...

Давронбек уни на қайтаришни ва на бирор сўз айтишни ҳам билмай, жим туриб қолди.

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

**Нақл қилишларича,
Пайғамбаримиз Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи васаллам
яшаган саодатли замонда Мак-
када бир кампир истиқомат
қилар ва у Расулulloҳни жуда
ёмон кўрарди. Аллоҳнинг элчи-
си ҳар кун эрталаб унинг уйи
олдидан ўтарди. Шу кезда шум-
кампир болохонадан туриб
унинг муборак бошига ахлат
челагини тўқарди. Лекин
Расули акрам оғиз очиб бир
нима демасдилар.**

ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ

Кунларнинг бирида кампир касалга чалиниб ётиб қолади. Пайғамбар (с.а.в) одатдагидай унинг уйи олдидан ўтаркан, ҳеч кимса унинг бошига ахлат ағдармайди. "Ҳойнаҳой бетоб бўлиб қолган бўлса керак", деган ўйда болохонага кўтарилади. Кутилмаган ташрифдан кампир кўрқиб кетади. "У мени ургани ёки жанжаллашгани келди", дея юрагини ваҳима босади. Бироқ Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг соғлиғини суриштириб, ҳол-аҳвол сўраганини кўргач, йиғлаб юборади. "Сиз чиндан ҳам яхши одам экансиз, — дейди у ҳўнграб. — Сизга қанчалар озор етказдим, сиз эса келиб, менинг аҳволимни сўраяпсиз... Таълимотингизга эргашаман, ҳақ йўлига бошланг мени..."

Бир киши хотини билан ҳеч чиқишолмасди. Ўйда ҳар кун оддий нарсалар туфайли тортишув бўларди. Киши бу тортишувлардан безор бўлиб ажрашишни истади. Буларнинг мунозаралари туфайли икки тараф оилаларнинг ҳам орасига совуқчилик тушади. Киши бир кун паришон ҳолда, маслаҳат сўраш учун кўпни кўрган, одамларнинг ҳурматини қозонган бир аҳли илм зотнинг олдига бориб, аҳволини айтади. У зот:

— Энди ажрашсанг ҳам ҳеч бир ўзгариш бўлмайди. Бир ой умринг қолибди, нима қилсанг қил, — дейди.


Бу гапни эшитган киши даҳшатга тушиб, ранги оқарган ҳолда чиқиб кетади. Йўлда учраган танишларидан рози ризолик сўрай бошлайди. Уйига қайтиб, "хотин, кел, шунча пайт сени хафа қилдим, яхши эр бўлолмадим, ҳаққингга риоя қилолмадим, мени кечир, мендан рози бўл", дейди.

Хотини, "тавба, бу одамга нима бўлди, бундай гаплар гапиряпти", деб унга раҳми келиб:

— Бей, аслида сиз рози бўлинг, мен доим беодоблик қилдим, сизни кўп ранжитдим, дейди. Икковининг ҳам қалби юмшаб кўзлари ёшланади...

Кейин эр, хафалашган қайно-тасиникига боради. Улардан ҳам йиғлаб розилик сўрайди. Хотини ҳам, қайнонасидан кечирим сўрайди. Энди ўйда ҳар кун жаннатий ҳаётда яшардилар ва бир-бирларини ҳеч ранжитмасдилар...

Лекин у киши, хотинига, муҳтарам зот айтгани ҳақида ҳеч гапирмайди.



АГАР БИР ОЙ УМРИНГИЗ ҚОЛСА

Бир ой тўлишини санай бошлайди. Кунлар яқинлашгунча яхшиликлари ортар, кечалари ибодат қиларди.

Унинг яхши ишлари кўпайгани сари хотинини ҳам, икки оиланинг ҳам муносабатлари илиқлашиб, яхшиликлари ортиб борарди.

Бир ой ўтади. Ҳа, бугун ўлади, эртага эса... Лекин ўлмайди. Аниқ бир ой демасди, бир ой атрофида, деди. Балки, бир неча кун ҳали бордир, деб ўйлайди.

Бир неча кун кутди, яна ўлмади. Кейин у зотнинг олдига бориб сўрайди:

— Афандим, мен ўлмадим.

— Ўлиш нимаси? — дейди у зот.

— Афандим, сиз "бир ойча умринг қолди", дегандингиз, бир ой бўлди.

Бироқ мен ўлмадим.

У зот эса:

— Биродар, мен сени қачон ўлишингни билмайман, лекин шуни биламанки, ўлим ҳақ, бир кун "албатта" ўласан. Ўладиган одам жанжал, низо билан ҳаётини заҳарламайди. Ҳозирги ҳаётингдан хурсандмисан? — дейди.

— Ҳа, ҳеч тортишмаяпмиз.

— Қани, энди шундай давом этинглар, — дейди у зот.

Ҳаётимиздаги кўп муаммолар ўлимнинг ҳақ эканини унутишимиз туфайлидир!

Туркчадан
Марям ОСИЁ таржимаси.

ҲИҚМАТ

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз
беравермайди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Билиб қўйган яхши

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, ЙИҒЛАНГ

**Йиғи кайфият-
ни яхшилаб, соғлиқни
мустаҳкамлайди. Буни
кузатган тадқиқотчилар
шундай хулосага келди.**

Кўз ёши — организмнинг табиий ҳимоячиси. Бу оғриқни камайтириб, зикликни юмшатади. Организмда ҳиссий зўриқиш кучайиб, кимёвий моддалар меъёри ошганда улар кўз ёши билан чиқиб кетади. "Йиғидан ўзингизни тийманг, бу юрак хуружи хавфини оширади", дейди олимлар. Сиқилганда "аччиқ кўз ёши" тўкишдан уялманг. Енгил тортасиз.

ПИЁЗ СУЯКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Турк олимларининг
фикрича, бир ой давоми-
да ҳар кун ярим бош пиёз
истеъмол қилиш суяк
мустаҳкамлигини 5 фоизга
оширар экан.**

Шунингдек, пиёз ичакларда фойдали бактери-ялар ҳосил бўлиши, бошқа сабзавот ва кўкатлар қаторида сиқилишнинг олдини олиб, уйқуни яхшилайд.



БЎЙИГА:

Көтиба-
Аза
Аср
Енг
Мис
Рак
Бача
Отит
Ошна
Рамз
Ҳарб
Азамат
Амири
Арафа
Истак

Камар

Кўмир
Кўпик
Нарса
Тахир
Духоба
Ичаклар
Каптив
Сарвар
Тарнов
Шарбат
Партўп
Додхоҳ
Оломон
Атом

ЭНИГА:


Актив
Авар
Гиря
Арбоб
Атала
Исбот
Карта
Куқун
Рахит
Синов
Судак
Олима
Опача
Помир

Томат

Сакта
Ихтило
Жонона
Калхат
Капгир
Портал
Баҳром
Аҳднома
Садпора
Чиринди
Мирзатерак

ГАЗЕТАНИНГ 2021 ЙИЛ
25 ФЕВРАЛДАГИ
4-СОНИДА БЕРИЛГАН
БОШҚОТИРМА
ЖАВОБИ.

1-24- рақамлар
ичига яширин-
ган гап:
"Байрамингиз
муборак бўл-
син!"



Тузувчи: Расулжон МУХТОРОВ.



HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигининг Фарғона
вилояти бошқармасида
2018 йил 08 июнда
12-041 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@
mail.ru

Газета "Hamkor Press"
тахририяти компьютерида
терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н.ТУХТАМАНОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-449 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.